

**“Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти Бошқаруви  
раиси Ботир Комилович Зариповнинг Ўзбекистон Миллий  
телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон-24” телеканали  
учун интервьюси**

**1-савол:**

**-Ботир Комилович, тармоқда сўнгги йилларга қандай ўзгариш ва янгиланишлар бўлди, дастлаб шу ҳақда тўхталиб ўтсангиз.**

**Жавоб:**

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан, республикамиз иқтисодиётининг бошқа соҳалари қатори, саноатнинг қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, соҳани жадал ва самарали ривожлантириш мақсадида, ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб келинмоқда.

Биз давлатимиз раҳбарининг соҳага қаратаётган эътиборларини, кўмаklarини ҳар куни, ҳар дақиқада ҳис қилиб, зиммамизга юклатилган мақсад ва вазифаларни катта масъулият билан, жавобгарликни тўлиқ ҳис қилган ҳолда, бажараётганлигимиз, ўйлайманки, республикамизда фаолият юритаётган ҳар бир раҳбар шахслар қатори, зиммамизга катта мажбурият юклайди ҳамда шиддат билан амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида дахлдорлик туйғусини пайдо қилади.

Юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида кенг миқёсда амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари кўлами кун сайин кенгайиб, оммалашиб бормоқда.

Негаки, Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган, “Ҳамма нарса инсон учун, унинг бугуни ва келажаги учун” эзгу ғояси одамларимизнинг яшаш тарзи ва дунёқарашини тубдан ўзгартириб юборди. Барча фуқароларимиз келажакка, эртаси бугундан яхши бўлишига астойдил интилмоқда ва ишонмоқда.

Замонавий ижтимоий соҳа объектлари, нотураар жойлар ҳамда аҳоли учун тураар жойлар учун, сифатли, арзон, замонавий қурилиш материаллари зарур.

Бино ва иншоотлар қийматининг 55-60 фоизини қурилиш материаллари ташкил этишини, замонавий архитектура янги, сифатли, арзон, енгил ва зилзилабардош, инновацион қурилиш материалларини талаб этишини инобатга оладиган бўлсак, тармоқ тараққиёти аҳамиятини ҳис қилиш қийин эмас.

**Сўнгги 2 йилдаги ўзгариш ва янгиланишларга қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсам, 2017 йилга қадар тармоқда 7995 та корхона фаолият юритган.**

**Бугунги кунда республикада 10 минг 552 та қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритмоқда.**

**Жамият таркибида 102 та корхона мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 112 тага етди.**

**Республикада 120 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда 180 дан зиёд турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

Биргина ўтган йилдаги тармоқ фаолиятига тўхталадиган бўлсам, 2017 йилда республикада қурилиш материаллари ишлаб чиқарган тадбиркорлик субъектлари томонидан 16 трлн. 756 млрд. сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди, 2016 йилга нисбатан 122,6 фоизга ошди. Жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 11,6 фоизни ташкил этди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, республика бўйича жами 180 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган бўлиб, улардан асосан портландцемент 2 трлн. 403 миллиард сўмга, чақик тош 1 трлн. 395 млрд. сўмга, цемент, бетон ва сунъий тошдан йиғма конструкциялар 1 трлн. 72 млрд. сўмга, алюминийдан тайёрланган конструкциялар 724 млрд. сўмга, кучланиши 1 кВ.дан ортиқ бўлмаган (паст вольтли) электр токи ўтказгичлари 710 млрд.сўмга, табиий қумлар

643 млрд.сўмга, қора металлдан тайёрланган конструкциялар 598 млрд.сўмга, сэндвич панеллар 580 млрд.сўмга, ўтга чидамсиз керамик ғиштлар 485 млрд.сўмга, ёғоч қириндисидан плиталар 391 млрд.сўмга, легирланмаган пўлатдан совуқлайин деформация қилинган углоклар, махсус ва шаклдор профиллар 355 млрд.сўмга, қуйиш учун тайёрланган бетон 351 млрд. сўмга, пластмассадан қаттиқ қувурлар, трубкалар ва шланглар 342 млрд.сўмга ишлаб чиқарилган.

## **2-савол:**

**Шу ўринда, жорий йилнинг I-ярим йиллиги яқунларини ҳам айтиб ўтсангиз.**

## **Жавоб:**

### **I. Ишлаб чиқариш фаолияти бўйича**

Жорий йилда жамиятимиз таркибидаги корхоналар томонидан жами 3 триллион 800 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ўсиш суръатини 2017 йилга нисбатан 107 фоизга етказиш режалаштирилган.

Жорий йилнинг биринчи олти ойлигида жами 2 триллион 271 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 101 фоизга етказилди.

Шунингдек, бу даврда 183,3 миллиард сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши эвазига ўсиш 107,7 фоизга таъминланди.

Ушбу даврда 3693,1 минг тонна цемент, 6,2 миллион квадрат метр қурилиш ойнаси, 41,9 минг тонна қуруқ қурилиш қоришмалари, 40,7 минг тонна қурилиш гипси, 16,7 минг тонна оҳак, 29,7 миллион дона деворбоп материаллар, 3,1 миллион дона шифер, 25,8 минг дона сантехкерамика маҳсулотлари каби сифатли ва арзон, маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди.

154 та, жами қиймати 518 млрд.сўмлик янги лойиҳалар ишга туширилди. Натижада 1938 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Керамик плиткалар, сантехкерамика маҳсулотлари, керамогранит, «сэндвич» панеллар, юмшоқ томёпқич материаллари, базальт

арматураси, суюқ гулқоғоз (обой), иссиқликни сақловчи материалларни ўзлаштиришнинг йўлга қўйилиши ҳам соҳада эришилган ютуқлардандир.

## **II. Экспорт фаолияти бўйича**

Жамият таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ташқи бозорда ҳам ўз ўрнини эгаллаган.

Жамият тизимида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида жами 22 миллион 41 минг долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди. Режа бўйича кўрсаткич 103 фоизни ташкил этди.

Бугунги кунда жамият таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган сопол плиткалар, сантехкерамика маҳсулотлари, курук қурилиш аралашмалари, пишган ғишт, табиий тошдан ясалган қопловчи буюмлар, оҳак, полипропилен қувурлар, фитинглар сингари қурилиш материалларига Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон давлатлари бозорларида талаб ортиб бормоқда.

Эндиликда улар қаторига Тожикистон ва Афғонистон ҳам қўшилди. Негаки, бу давлатларга 2017 йилдан сантехкерамика буюмлари, асбест буюмлар, сопол плиталар, қурилиш ойнаси ва цемент каби маҳсулотлар экспорт қилинмоқда.

Қайд этиш жоизки, жамият қурилиш материалларининг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича зарур чоралар кўрмоқда. Бу жараёнда экспорт қилинадиган маҳсулотлар турини кўпайтириш ва экспорт географиясини кенгайтириш бўйича аниқ режалар белгилаб олинган.

Шу мақсадда Покистон Республикасининг «Бахрия тавн» йирик компаниясига ишлаб чиқарилаётган 10 дан ортиқ қурилиш материалларининг намуналари, Беларусь Республикасига мамлакатимизда мавжуд табиий пардозбоп тошлар, Ҳиндистон Республикасига янги ва замонавий турдаги қурилиш материали ишлаб чиқариш имкониятини берадиган табиий базальт тоши намуналари юборилди.

### Ш. Инвестиция дастури бўйича

Шу йил 1 августда эълон қилинган Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасида инвестицион муҳитни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони инвесторлар фаолиятига бўлган эътибор ва уларнинг эркин ишлаши учун зарур қулайликлар яратиш йўлида муҳим қадамдир.

Республикаимиз иқтисодиётида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишда иқтисодиётнинг барча соҳалари, айниқса иқтисодиёт тармоқларининг ўрни ва ҳиссаси жуда муҳимдир.

Жамиятимиз таркибидаги корхоналарнинг аксарияти ҳамда тармоқ корхоналари фаолияти ҳам хорижий сармоялар билан чамбарчас боғлиқ. Янги қувватларни ишга тушириш, янги қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда инвестиция маблағини жалб қилиш аҳамиятлидир.

Жорий йилнинг биринчи ярим йил якунлари бўйича жами 31,6 миллион доллар миқдоридаги инвестициялар ўзлаштирилиб, белгиланган прогноз (27,1 млн.долл.) 116,7 фоизга бажарилиши таъминланди.

2017 йил Инвестиция дастури доирасида 13 та лойиҳага 73,3 миллион долларлик инвестиция маблағлари жалб этишга эришилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги ПҚ-3874-сонли 2018-2019 йилларда инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини жадаллаштириш тўғрисидаги қарорига асосан жамият тизимида 2018 йилда 8 та инвестиция лойиҳа бўйича жами 100,1 миллион доллар, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига 64,2 млн. доллар миқдоридаги инвестицияларни ўзлаштириш кўзда тутилган.

Хусусан, Фориш туманида “Мега инвест индастриал” масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма

корхонасида 15,3 млн. доллар чет эл инвестицияси ўзлаштирилиши эвазига йилига 3 минг тонна базальт толасидан арматура ишлаб чиқариш режалаштирилган. Лойиҳанинг биринчи босқичида 10,5 млн. доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилди ҳамда 900 тонна базальт толасидан арматура ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 90 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, Фарғона вилояти, Қувасой шаҳридаги “Кварц” акциядорлик жамиятида йилига 20 млн. квадрат метр қурилиш ойнаси ишлаб чиқаришда 42.1 миллион доллар ва “Ангрен” эркин иқтисодий зонасида “Греат вол керамикс” қўшма корхонасида йилига 3,5 млн. квадрат метр керамик плиткалар ва 200 минг дона санитар керамикаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун 21,5 миллион доллар, “Ангрен” эркин иқтисодий зонасида “Ран тонг металл индастри” масъулияти чекланган жамият хорижий корхонаси томонидан йилига 180 минг тонна металл қурилиш арматурасини ишлаб чиқаришни ташкил этишда 30,0 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар киритиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида “Мингуан силу индастриал” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонасида йилига 24 миллион квадрат метр ойна маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича, жами 110 миллион доллар ўзлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 56,1 млн. доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. 2017 йилда лойиҳасининг биринчи босқичида 29 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, йилига четдан импорт қилинаётган 4 миллион квадрат метр безакли ойна ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва 210 та янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда, республикамызда мавжуд қамиш ва ғўзапоя асосида ДСП ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Жумладан, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида йилига 30 минг куб метр ДСП ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилган бўлса, 2018-2019 йилларда яна Сирдарё ва Навоий вилоятларида 50 минг куб метрдан, Сурхондарё вилоятида 150 минг куб.метр, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларида жами 50 минг куб метр ДСП тўлиқ маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Шунингдек, маҳаллий хом ашёдан энергия тежамкор ва қурилишда ишлатишга анча қулай деворбоп газобетон блоклари ишлаб чиқариш

амалга оширилмоқда. Хусусан, Бухоро, Жиззах, Самарканд, Хоразм ва Тошкент вилоятларида жами 1 млн. куб метрдан ортиқ газобетон блоклари ишлаб чиқарилади. Газобетон ўзининг енгиллиги, табиий газни 8 марта кам сарфлаши, энергия тежамкорлиги ва энг асосийси унумдор тупроқнинг ишлатилмаслиги билан пишиқ ғиштдан бир неча марта афзаллиги билан ажралиб туради.

Албатта, хорижий, айниқса тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишда ахборотнинг ўз вақтида ҳамда манзилли етказилиши муҳим аҳамият касб этади. Негаки, Юртимиздаги табиий мавжуд имкониятлар, давлат томонидан хорижий инвестрлар учун яратилган имкониятлар, енгиллик ва устуворликлардан хорижий инвесторларни етарлича хабардор қилиш, инвестициялар оқими иқтисодиётимиз тармоқлари сари йўналишига шубҳа йўқ.

### **3-савол:**

**- Жамият томонидан маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, рақобатдош, экспортга йўналтирилган қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, янги турдаги сифатли қурилиш материалларига бўлган ички талабни қондириш бўйича қандай ишлар олиб борилмоқда?**

- Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, “Ўзбекистон Яратганнинг назари тушган Юрт” деб бежизга айтилмаган. Негаки, республикамизнинг барча ҳудудларида қурилиш материаллари хом-ашё захиралари мавжуд конлар, уларда бой ва турли, Худо томонидан ато этилган табиий бойликлар мавжуд.

Рақамларга тўхталадиган бўлсам, республика бўйича 924 та қурилиш материаллари хом-ашё захиралари мавжуд конлар аниқланган. Бугунги кунда уларнинг 392 таси, ёки 42,4 фоизидан фойдаланилаётганлигига эътибор берадиган бўлсак, маҳаллий ва хорижий инвестрлар учун соҳада катта имкониятлар мавжудлигига гувоҳ бўламиз.

Сўнгги икки (2016-2017) йилларда, республика бўйича 149 та янги конлар аниқланган ҳамда 189 та конлардан фойдаланишга ваколатли давлат органи томонидан лицензия берилган.

Асосий қурилиш материалларидан бири бўлган цементга тўхталиб ўтадиган бўлсам, бугунги кунда республикада 14 та цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан йилига 9,1 млн. тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Юртимизда қурилиш-бунёдкорлик ишлари ҳажмининг кескин ошганлиги, цементга бўлган талабнинг ҳам кучайишига олиб келди.

Мавжуд талабни қондириш бўйича бугунги кунда аниқ чоратадбирлар кўрилиб, янги қувватларни ишга тушириш чоралари кўрилмоқда.

Жорий йил якунига қадар, йиллик қуввати 3 млн. 120 минг тонна бўлган 8 та, 2019 йил якунига қадар йиллик қуввати 4 млн. 720 минг тонна бўлган 9 та лойиҳа амалга оширилади.

#### **4-савол:**

**-Тармоқни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни, айниқса тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, ушбу соҳадаги етакчи чет эл компаниялари билан юқори сифатли замонавий қурилиш материалларини кенг турда ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ва ишлаб чиқаришларни ташкил этиш борасидаги ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

#### **Жавоб:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россия Федерацияси, Хитой, Туркия ва Жанубий Корея давлатларига давлат ташрифи доирасида 2017-2020 йилларда замонавий импорт ўрнини босувчи қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида, илғор хорижий компаниялар билан умумий қиймати 1459,8 млн. долларлик 29 та Меморандум ва Келишувлар имзоланди. Бунда тармоқда 3 935 та янги иш ўринларини



яратиш кўзда тутилмоқда. Шулардан 12 таси 2018 йилда, 14 таси – 2019 йилда, 3 таси – 2020 йилда ишга туширилади.

Барча лойиҳалар бўйича тайёрлов ишлари бошланди. Хусусан, йирик лойиҳалар сирасига “Кварц” акциядорлик жамиятида флоат-ойна ишлаб чиқариш, «Ран тонг металл индастри» корхонасида арматура ишлаб чиқариш, «Охангаронцемент» акциядорлик жамиятида («Евроцементгруп») цемент ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш кабилар киради.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида импорт ўрнини босувчи экспортга йўналтирилган замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи янги қувватлар ишга туширилади. Масалан, архитектуравий ойна (60 млн. кв.м), «сэндвич» панеллар (750 минг кв.м), гулқоғоз (обой) (8 млн. кв.м), гранит ва мрамардан ишланган буюмлар (580 минг кв.м), цемент (4,4 млн.атонна), сантехкерамика буюмлари (200 минг дона).

### **5-савол:**

**- Республикамизнинг қурилиш материаллари саноатининг истиқболи тўғрисидаги фикрингиз қандай?**

Жавоб:

- Бугунги кунда тармоқда жиддий ислохотларни амалга оширишни талаб этмоқда. Биринчи навбатда, соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кучайтиришимиз, бу борада мавжуд барча имкониятларни ишга солишимизни, иқтисодий жараёнларнинг ўзи талаб этмоқда.

Негаки, янги, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун, авваломбор янги ғоялар ҳамда республикамизда мавжуд бўлмаган инновацион технологик ускуналар зарур.

Эркин иқтисодий муносабатлар асосида фаолият юритаётган ички ва ташқи бозор, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ишлаб

чиқаришни диверсификация қилиш ва янги турадаги маҳсулотларни ўзлаштиришни талаб этмоқда.

Тармоқда жуда катта захира, салоҳият ва имкониятлар мавжуд. Улардан профессионал тарзда, оқилона ва самарали фойдаланишгина, соҳанинг келгусидаги истиқболини белгилаб беради.

Ўйлайманки, Мухтарам Президентимиз ташаббуслари ва янги-янги ғоялари асосида, республикамизнинг барча соҳаларида бўлгани каби, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғида ҳам амалга оширилаётган саъй ҳаракатлар, келгуси йилдан ўз мевасини бериб, соҳанинг янги босқичга чиқишига ишончим комил.